



EFFORTS TO SOLVE IRRIGATION AND RECLAMATION PROBLEMS IN THE EARLY DAYS OF THE FORMER SOVIET REGIME

Umarbek Atajanovich Sheripov

Candidate of historical sciences, associate professor

Urganch State Pedagogical Institute

Urganch, Uzbekistan

E-mail: ilmiykotib106@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: forms of land ownership, track, excavation, akhbor, cavalry, hydropost, dam, F. Morgunenko, collector, Palvanyap, S.P. Trombachev, Central Asian Irrigation Research Institute, UPRADIS.

Received: 22.05.24

Accepted: 24.05.24

Published: 26.05.24

Abstract: This article provides information about the Khorezm People's Soviet Republic, which was formed as a result of the dissolution of Khiva Khanate and the state of agriculture and irrigation systems in Khorezm Oasis in the early years of the former Soviet rule. Over the centuries, thanks to the hard work of the working people, the construction of irrigation facilities, their cleaning, the construction of protective dams, washing of land and the increase of productivity in agriculture had been ensured. The article discusses the scientific researches of field organizations and scientists established for the scientific study of irrigation works in Khorezm during the period of the former Soviet regime, that is, in the 20s-40s of the 20th century.

СОБИҚ СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ҲАРАКАТЛАР

Умарбек Атажанович Шерипов

Тарих фанлари номзоди, доцент

Урганч давлат педагогика институти

Урганч, Ўзбекистон

E-mail: ilmiykotib106@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ер эгалиги шакллари, чиғир, қазув, ахбор, отлик, гидропост, дамба, Ф.Моргуненков, коллектор, Полвонёп, С.П. Тромбачев, Ўрта Осиё

Аннотация: Ушбу мақолада Хива хонлигининг тугатилиши натижасида ташкил топган Хоразм Халқ Совет Республикаси ва собиқ совет

ирригация илмий-текшириш институти ,
УПРАДИС.

хокимиятининг дастлабки йилларида
Хоразм воҳасида қишлоқ хўжалиги ва
суғориш тизимларининг ахволи тўғрисида
маълумотлар берилади. Асрлар давомида
меҳнаткаш халқнинг машаққатли оғир
меҳнати эвазига суғориш иншоотларини
қуриш, уларни тозалаш, химоя дамбалари
қуриш, ерларни шўрини ювиш, қишлоқ
хўжалигида ҳосилдорликни ошириш
таъминланган. Мақолада Собиқ совет
тузуми даврида, яъни XX асрнинг 20-40
йилларда Хоразмда суғориш ишларини
илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида
ташқил этилган соҳа ташкилотлари ва
олимларнинг илмий изланишлари
муҳокама қилинади.

УСИЛИЯ ПО РЕШЕНИЮ ПРОБЛЕМ ИРРИГАЦИИ И МЕЛИОРАЦИИ В ПЕРВЫЕ ДНИ БЫВШЕГО СОВЕТСКОГО РЕЖИМА

Умарбек Атажанович Шерипов

Кандидат исторических наук, доцент

Ургенчский государственный педагогический институт

Ургенч, Узбекистан

E-mail: ilmiykotib106@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: формы собственности на землю, трасса, раскоп, ахбар, всадник, гидропост, плотина, Ф. Моргунов, коллектор, Полвоняп, С.П. Тромбачев, Центрально-Азиатский научно-исследовательский институт ирригации, УПРАДИС.

Аннотация: В данной статье представлены сведения о Хорезмской Народной Советской Республике, образовавшейся в результате распада Хивинского ханства, а также о состоянии сельского хозяйства и ирригационных систем Хорезмского оазиса в первые годы бывшей советской власти. На протяжении веков благодаря упорному труду трудящихся обеспечивалось строительство ирригационных сооружений, их очистка, возведение защитных дамб, промывка земель, повышение продуктивности сельского хозяйства. В статье рассматриваются научные исследования полевых организаций и ученых, созданных для научного изучения ирригационных работ в Хорезме в период бывшей советской власти, то есть в 20-40-е годы XX века.

КИРИШ

XX асрнинг бошларида дунёда рўй берган сиёсий жараёнлар атрофи қум барханлари билан ўралган Хоразм воҳасини ҳам чеклаб ўтмади. Бу ерда мавжуд Хива хонлигида ҳам

кўплаб мураккаб воқеалар бўлиб ўтди. Улар орасида туркманларнинг тажовузлари, адолатсизлик ва зўравонликка қарши халқ қўзғолони, хонлик бошқарув тизимининг ағдарилиши ва шўролар ҳукмронлиги ўрнатилиши каби воқеалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ҳам буткул ўзгартириб юборди.

Рус олими И.В. Погорельский маълумотларига қараганда, 1918-1920 йилларда Хоразмдаги ирригация тармоқлари умуман таъмирланмагани сабабли деҳқонларнинг сувга муҳтожлиги ортиб борган. Бундан ташқари сув ташланадиган жойлар ҳам керакли асбоб-ускуналар билан таъминланмаган эди. Каналларнинг юқори қисмида чиғирлардан фойдаланилган бир вақтда ўрта қисмидан далаларга ўзиоқар ариқлар ёрдамида сув чиқарилган. Аммо қуйироқдаги ерларга сув етиб келмаган ёки дарёдан кўп сув тушган вақтида экинзорлар сув остида қолиб кетган. Хоразм республикаси деҳқончилигининг ярим ерлари чиғирлар ёрдамида суғорилган. Деҳқонга 2-3 таноб ерни суғориш учун эса 1-2 та от ёки битта туя, камида бир нафар ёрдамчи одам керак бўларди[1. Б-189].

АСОСИЙ ҚИСМ

Хоразм Халқ Совет Республикаси собиқ совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Хоразм воҳасида ирригация тизими масалалари тарихшунослик нуқтаи назарида қиёсий таҳлил қилинди.

1921 йилда ХХСР қишлоқ хўжалиги деярли инқироз шароитига тушиб қолган эди. Каналлар ва ариқларнинг вақтида тозаланмаганлиги боис, экинларни суғориш 50 фоизга қисқариб кетди. Хусусан, Кўхна Урганч туманидаги 20 фоизга яқин ерлар умуман суғорилмасдан қолди[2. л.15]. Натижада ер ишлари нозиратидан ҳар йили ўтказиладиган қазув ишларига жиддий эътибор қаратиш талаб қилинди.

1922 йилда Хоразм республикаси аҳолиси 1 млн кишига етган бир вақтда мавжуд 166 мингта хўжаликлар (*1 тасида 6 киши ҳисобида*) аъзолари 2,4 минг десятина ерда (*5,76 минг таноб*) деҳқончилик қилганлар. Экин майдонлари таркибига эътибор берилса, ерларнинг 23 %и жўхори, 9 % и маҳаллий ва фақат 1 %ига америка навли пахта экилган[3.л.8].

1923 йил бошларида ХХСРдаги деҳқончиликка яроқли ерлар 471.440 десятина бўлиб, уларнинг 200.000 десятиначини собиқ хон ва амалдорлар ерлари, 71.400 десятиначини вақф ёрлиқлари билан диний муассасаларга ажратилган ерлар ташкил қилган. Шу билан бир қаторда республикада мавжуд бўлган 26 та туманлардаги ерлар майдони 527.160 десятина деб ҳам кўрсатилган[4.л.14].

1923 йилда ХХР мавжуд Полвон, Ғозовот, Шовот, Ярмиш, Қиличнӣёзбой, Манғит, Сухбат, Лавзон, Хонёп каби йирик сув йўллари тозалашга 35.660 киши жалб қилинди. Қазувчилар таркибига эътибор қаратилса, **ахбор** деб аталувчи ҳар 10 таноб ердан — 1 та қазувчи, **отлик** деб аталувчи ҳар 30 таноб ердан 1 та туркман қазувчиси (*барчаси 450*

нафар) олинган ҳамда уларга 357 нафар юзбоши–ясовул, 150 нафар мироб ва 94 нафар назоратчи бошчилик қилган. Амалга оширилган барча ирригация ишлари ҳажми 380.424 сўм деб белгиланган[5.л.5].

Дарғонотадан тортиб то Қўнғиротгача майдонларга сув етказиб берадиган 138 та ички суғориш шаҳобчалари иккинчи даражали деб ҳисобланса-да, уларни тозалаш ҳам энг муҳим вазифалар қаторида турган. Улар қаторидаги 20 та катта ариқларни қазिशга 32.064 киши, жумладан, 31.747 ишчи ва 317 юзбоши сафарбар этилган. Булардан ташқари Амударё яқинида 250 верст масофада қочи–дамбаларни кўтариш ишларида 17.830 одам ишлаган. Дарёнинг Данашер, Тошсоқа ва Жумуртов деган жойларида ўрнатилган сув ўлчайдиган гидростларни ишлатишга 2520 сўм ажратилган. Республиканинг ирригация соҳасидаги барча ишлари ҳажми 1.084.738 сўм деб белгиланган[6.л.4.6.].

Бу даврда қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, суғориш ишларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва янги ташкил этишга жиддий эътибор қаратила бошланган. 1923 йилда Янги Урганч яқинидаги Матвапо Баққоловнинг мусодара қилинган 70 десятина ерида тажриба майдони ташкил қилиниб, унга 14.310 сўм маблағ ажратилган. Хива ва Янги Урганч туманларида ажратилган ўрмон хўжалиги тажриба-синов майдонларига 2428 сўм маблағ сарфлаш кўзланган[7.л.8.].

1923 йил мартида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (*СредазЭКОСО*) ташкил этилди ва унинг сув хўжалиги бошқармаси Хоразм республикасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бера бошлади. Шу йили воҳага талантли инженер-гидролог Ф.П. Моргуенков бошчилигида мутахассислар юборилди ва улар Жанубий Хоразмнинг суғориш тизимини қайта қуриш лойиҳасини тайёрладилар. Олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида воҳадаги тупроқнинг гидрогеологик (*Б.Н. Погорельский*) таркиби ўрганилди, Амударёнинг Хоразм–Тошҳовуз ҳудуди сув тизими чизмаси тайёрланди, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва иқтисодий районлаштириш (*Шостал, Манохин и Ковалев*) ҳамда жанубий Хоразмдаги суғориш тизимини қайта қуриш (*Ф.П. Моргуенков, К.А. Михайлов, В.В. Пославский*) лойиҳаси яратилди[8.с.33-64.]. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, Амударёнинг Туямўйин, Қоратов–Жумуртов (*Қисноқ*) ва Тахиатош дараларида тўғонлар қуриш зарур эди.

Инженерлар сўл қирғоқ магистрал канали қурилиши билан бир вақтда 4 та — Озерный, Довдан, Ёрмиш ва Дарёлик коллекторларини қазиш орқали сизот сувларни Сарикамиш паст текислигига оқизиш таклифини илмий асослаб бердилар. Кейинги босқичда амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар олимларнинг таклифлари асосли ва самарали эканлигини тўла тасдиқлади[9.л.7].

1921-1924 йилларда Хоразмдаги суғориладиган ерларнинг майдони 2 марта кенгайиб, фақат пахта учун ажратилган далалар майдони 3 минг танобдан 18 минг танобга етди[10]. 1924 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун 46 минг чиғирлар мавжуд бўлган бир шароитда, 100 та от кучига эга 3 та насос станцияси ўрнатилди. Улар нефт ёқилғиси билан ҳаракатга келтирилар ва марказдан қочирма пропеллерли насослар билан жиҳозланган эди[11.с-233].

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан тўпланган маълумотларга қараганда, Хоразм республикасидаги экин майдонларининг 28,6 % буғдой, арпа, сули, 18,5 % – шоли, 18,3% макка ва оқ жўхори эгаллаган. Шу билан бир қаторда 16,9 % ерларга пахта, 10% — беда, 1,5 % мош, ловия, 0,7 % — кунжут, 2,1 % — қовун, тарвуз, қовоқ, пийёз, сабзи, лавлаги каби полиз экинлари, 3,1% ерларга бошқа мавсумий экинлар жойлаштирилган[12.с-193.]. Мазкур ер майдонларига сув етказиш учун канал, арна, бадров, ёп, бадақ, арик, солма, оёқсолма, бўғот, чиғир-солма тизими яратилган.

Бу даврда Хоразмни суғоришда асосий ролни Полвонёп канали ўйнади. Унинг узунлиги 102 км. бўлиб, юқори қисмидаги кенглиги 31 м. ва чуқурлиги 2 метрдан ортиқ эди. Каналдан умумий узунлиги 913 км. бўлган 51 та ички ариқлар олинган бўлиб, улардан 45,6 минг гектар (*умумий 181,5 минг гектар майдондан*), яъни 24,5 % ерлар суғорилган. 1924 йилда Полвонёп канали яқинида 141 минг одам яшаган бўлиб, аҳолининг зичлиги 1 км². экин майдонига 131 кишига тўғри келган[13.с-184].

1920 йилларда Хоразмдаги сув хўжалиги муаммолари йирик мутахассис — гидрогеолог С.К. Кондрашовнинг эътиборини тортди[14]. У аср бошида Хива хонлигига юборилган экспедиция таркибида ишлаган бўлиб, воҳадаги сув захиралари ва ерларни суғориш тизимини яхши биларди. 1924 йил майда Хоразмда юзага келган мураккаб сув муаммолари инженер С.П. Тромбачев[15.с.3-13.], П.М. Янчур[16.с.77-84], К.Зубрек[17] каби тадқиқотчилар мақолаларида ўз аксини топди. Инженер С.П. Тромбачев маълумотларига қараганда Хива округи каналлари таркибига: Полвон (сув билан таъминлаш майдони 50 минг таноб); Ғозовот (15.000); Хонқа (2500); Шовот (40000); Урганч (3500); Дўрман (1200); Уйғур (1200); Ярмиш (9200); Хонобод (1200); Қиёт-Қўнғирот (2800); Дарёлик (2000), Қличбой (9000) кирган. Хўжалэли округидаги йирик каналлар қаторига Гурлан, Яшаёп, Вазир, Қорағўз, Манғитарна, Бўзсув, Гавача, Ёрған. Сабат, Лавзон, Хонёп, Хўжайли, Хошаб, Уллизкин. Қўнғирот ава яна бир қанча маҳаллий кичик сув йўллари кирган[18.с.-6]. Хусусан, П.М. Янчур Хоразмдаги магистрал каналларни лойқа ўтириб қолиши сабабли ҳар йили 2 марта тозалаш учун 2 млн. ишчи куни сарфланишини ёзади. Бу эса янги канални қазишга кетадиган харажатга тўғри келади[19.с-80.]. Сув хўжалиги

бошқармаси таркибида 268 нафар ходим ишлаши қайд қилинган ва уларнинг 160 нафарига аҳоли ҳисобидан ҳақ тўланган.

1924 йил баҳорида Қуйи Амударё ҳавзасида вужудга келган сув муаммоларини ечишга ёрдам тариқасида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши томонидан Хоразм воҳасига таклиф қилинган В.В. Цинзерлинг мавжуд шароит билан яқиндан танишди ва дарё сувларини сўл қирғоққа йўналтириш юзасидан зарур амалий кўрсатмалар берди. Кейинчалик таҳлил қилган маълумотлари асосида бир қатор мақола ва китоблар нашр қилдирди[20.с.-269.].

1927 йилда В.В. Цинзерлинг Ўрта Осиёда тўплаган маълумотлари асосида “Амударёда суғориш” номли монография яратди ва нашр эттирди. Унда Хоразм воҳасидаги ерлар сатҳи йилига ўртача 1 мм., шу билан бир қаторда дарёдан чиққан қум ва совға лой аралаштириб тўкиладиган минерал (*рош*) ва маҳаллий ўғитлар сабабли 7 мм. кўтарилиши қайд қилинган. В.В.Цинзерлингни китоби сув хўжалиги ва об-ҳаво муаммолари билан шуғулланаётган олимлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишига замин яратди[21.с-808.].

1925 йилда профессор В.Д. Журин таклифи билан Гидротехника тажриба-тадқиқот институти ташкил этилди. Унинг гидрометрия, гидравлика, гидротехника лабораториялари ва тажриба станцияси бор эди. Келгуси йили институтда тажриба-суғориш, иқтисод, эксплуатация (*ишлатиш, фойдаланиш*), инженерлик бошқармаси ва кимё лабораторияси очилди. 1932 йилда институт номи — Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти (*САНИИРИ*) деб ўзгартирилди[22]. Хоразмда институтнинг тажриба участкаси бор бўлиб, у ерда кейинчалик ҳам кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Институт жамоаси диққат марказида янги ерлар кўплаб ўзлаштирилаётган бир даврда Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги каналлар ва шахобчаларнинг самарадорлигини ошириш, сув тошқинларини башорат қилиш, дамбалар қурилишини лойиҳалаштириш, ерларнинг шўрланишини пасайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш каби муаммолар турарди. Амалга оширила бошланган кенг қамровли тадқиқот ишларининг дастлабки натижалари, хусусан Хоразмдаги тажрибалар, бир қатор нашрлардан ўрин олди[23].

Ўрта Осиё миллатлараро сув тизими Сув хўжалиги қўмитасининг 1927 йил 6 январдаги қарори билан УПРАДИС (*Управление Амударьинских ирригационных систем*) ташкил этилди. Мазкур ташкилот собиқ иттифоқ Ер ишлари халқ комиссариати тасарруфида бўлиб, йирик каналларни таъмирлаш, сувни заруриятга қараб Хоразм ва Тошхөвүз вилоятлари ерларига тақсимлаш, малакали техник ва инженер мутахассисларни тайёрлашга киришди. Ички сув тармоқлари эса округ сув хўжалиги бошқармаси қарамоғида эди.

Тўпланган маълумотлар таҳлили ва проф. Ильин, инженер Бобков, геолог Мужчинкин текширишлари натижасида гидроузел қурилиши мумкинлиги асосланди. Мутахассислар чиқарган хулосалар Амударёда гидроиншоотлар барпо этиш керак деган хулосага олиб келди. Уни проф. Г.К. Ризенкамф, В.В. Цинзерлинг, Ф.П. Моргуnenков, К.В. Михайлов, В.В. Пославский каби кўзга кўринган мутахассислар қўллаб-қувватладилар. Мазкур масала 1927 йил октябрида Амударё сув хўжалиги бошқармасида муҳокама қилинди. Лойиҳанинг умумий қиймати 20 млн. сўмга тенг эди.

Хоразмдаги канал ва ариқларга Амударё ҳар йили лой ва қум аралаш ўз қуйқа-кўчкиларидан 15–18 млн. м³.гача оқизиб келтирган. Вегетация пайтларида ариқлар тубига 0,6–0,8 м. қалинликдаги қум аралаш лой чўкиб қоларди. Уларни тозалаш учун эса ҳар йили 15–20 кун давомида 20–25 минг ишчи кучи зарур бўларди[24.с-4.10.]. Одатда бу оғир меҳнат баҳор ва кузда минглаб деҳқонлар ва уларни бошқариб турган мироблар зиммасига юклатилган. Тошсоқа, Қиличбой-арна ва бошқа йирик каналларни қўлда қазиш учун ҳар бир ҳудудга (*қишлоқ ёки элат*) чек бўлиб берилган. Мабодо бирорта элатга сув бормай қолса, шу ернинг мироби ҳеч қандай фармон ёки буйруқ кутмасдан қазувчилар билан ишни бошлаган. Агарда Тошхóвуз вилояти ҳудудига сув бормай қолса, қазувчилар келиб, сувни оқизмагунча қайтиб кетмаганлар.

1928 йилда инженер П.Ф. Моргуnenков таклифи билан УПРАДИК тасарруфига келтирилган 3 та “Ирригатор” русумли сув йўллари қазилар механизми Полвон каналининг бош қисмини тозалашни бошлади[25.с-7.]. 1928-1930 йилларда Ф.П. Моргуnenков раҳбарлигидаги Қўйи Амударё лойиҳа гуруҳи аъзолари В.В. Пославский ва Э.М. Бенъяминович Жанубий Хоразм ўнг ва сўл қирғоқ суғориш тизимини қайта қуриш таклифини яна ўртага ташладилар. Ундан Тошсоқа ва Пахта-арна магистрал каналлари техник лойиҳаси (1929) ва суғориш тизимида шлюзлардан фойдаланиш (1930) каби илғор таклифлар ўрин олганди. Яна шуниси эътиборлики, Жанубий Хоразм магистрал каналининг бошланиш жойини Туямўйин ёки Тошсоқадан олиш муаммоси ўз ечимини топиши керак эди[26.с-121-133.]. Мазкур масалани 1933-1934 йилларда “Средазгипроводхлопок” (“*Ўртаосиёсувпахталойиҳа*”) институти олимлари ўргандилар.

Ерларни кенг кўламда жамоалаштириш ва суғориш муаммоларининг ечимини техника воситалар ёрдамида ҳал қилиш борасида изчил изланишлар олиб борилаётган бир даврда, вилоятдаги гидротехник шаҳобчалар қурилишига давлат 1,6 млн. сўм маблағ ажратди. Бу даврда қишлоқ хўжалигида ҳамон чиғирларнинг салмоқли ўрни сақланиб қолмоқда эди. 1933 йилда Хоразм воҳасида 37.925 та чиғир мавжуд бўлиб, 1937 йилда улардан 25.807 таси қолди[27. с-41]. Шу билан бир қаторда деҳқончилик ҳудудларида насос

ёрдамида сув чиқариш ишлари кенгайиб борди. 1935 йилда Хоразмга 31 та ер қазилар механизмлари, 19 та экскаватор ва 33 скреперлар олиб келинди. Бу даврда округдаги насослар сони 400 тага етди ва улар 11,2 минг гектар ерни суғориш имконини берди[28.с-233-234].

Инженерлар А.Н. Асоченский, В.В. Пославский, В.С. Козлов, Н.Г. Бородинский, Э.М. Бенъяминович, Г.О. Хорст ва бошқалар, Амударёдан тўғонсиз ва узлуксиз сув олиш имконияти борлиги сабабли Тошсоқа каналига кўпроқ ён босдилар. Шу билан бир қаторда, 1936 йилда инженер Н.Г.Бородинский альтернатив таклиф сифатида, Туямуён канали лойиҳасини ҳам ишлаб чиқди. Унда Амударёдан сув оладиган Питнак-арна яқинидан янги канал учун соқа олиш тавсия қилинганди.

1938 йилда Хоразмда илк бор оммавий халқ ҳашари ва инженерлик усуллари билан суғориш тизимини қайта таъмирлаш ишлари бошланди. Дастлаб Ҳазорасп туманидаги Питнак-арна таъмирланди. Манғит туманидаги Қипчоқ–Бўзсув–Савбат каналларни бирлаштирилди ҳамда уларнинг дарёдан сув оладиган жойида гидротехник иншоотлар қурилди. Натижада дарёдан сув олиш тартибга солиниши билан бир қаторда 15 минг гектар ерларнинг сув таъминоти яхшиланди[29.с.48-49].

1938 йилда Амударё дельтаси ирригация тизими (*Унрадис*) бош инженери Г.О. Хорст[30] раҳбарлигида Полвон–Ғозовот–Шовот каналларини сув билан таъминловчи Тошсоқа магистрал канали лойиҳаси ишлаб чиқилди. Каналнинг Амударёдан сув оладиган соқасида тўғон ўрнатилиши билан бир қаторда, 34 ва 67 километрларда сувни бўлиш ҳамда бошқариб туриш имконини берадиган гидротехник иншоот қуриш режалаштирилди.

1939 йил кузида Фарғона деҳқонларининг ташаббуси билан, бутун Ўзбекистондаги каби, Хоразмда ҳам сув хўжалигини мустаҳкамлаш учун кураш бошланди. 1939 йил 11 августда собиқ Ўзкомпартия ва республика ҳукумати “Тошсоқа каналини кенгайтириш ва унда тўғон қуриш тўғрисида” махсус қарор қабул қилди. Шу йили 15 августдан 28 сентябргача Хоразм вилоятининг 9 та туманидан 32,5 минг ва Тошхўвўз вилояти Тахта туманидан келган 2 минг деҳқонлар 1620 минг м³. тупроқ қазилар ва 13 минг м³. бетон ётқизиш ишларини бажардилар. Ишга туширилган канал секундига 210 минг м³. сув ўтказиш имкониятига эга бўлиб, Хоразм вилоятининг 111,2 минг ва Тошхўвўз вилоятининг 74,5 минг гектар ерларини сув билан таъминлади. Ирригация объектларидаги кенг қўламли ишлар билан бир қаторда 1939 йилда Хоразм воҳасидаги ўзбек ва туркман деҳқонлари 35 минг тонналик улкан пахта хирмонини ҳам кўтардилар[31.-с.50].

1940 йилдаги улкан ишлар жараёнида кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган Тошсоқа каналининг Тўпчи деган жойида қурилган иншоот сувни Полвон ва Шовот тармоқларига бўлишга имкон берди. Шу йили Қиличбой-арна каналига Гурлан тизими шахобчалари

уланди. Шу вақтда Упрadis мутахассислари Г.П. Дробышев, С.Н. Котиков, А.Н. Рагузин, Ж.О. Оташев, И.И. Духно, Н.Г. Митянов[32], А.И. Чехович, Г.О. Хорст раҳбарлигида Қиличбой-арнага Амударёдан қўшимча сув олиш учун Тўқсон-арнани қазिश, Манғит-арна ва Қипчоқ-арна соқаларига эса гидроиншоот ўрнатиш лойиҳасини ҳам ишлаб чиқдилар. Сув хўжалиги қурилиши ташкилотчиларига А.Н. Асоченский, В.В. Пославский, И.Н. Янишевский каби олимлар ўз маслаҳатлари билан қўмаклашиб турди.

1940 йил 20 январда собиқ Ўзкомпартия ва республика ҳукумати қарори билан Хоразм вилоятидаги суғориш тизимини қайта таъмирлашнинг 2-навбатдаги вазифалари белгиланди ва унга 78 млн. сўм маблағ ажратилди. Шу йили март-апрель ойларида Хоразм вилоятдан 22 минг ва Тошҳовуз вилоятдан келган 3 минг нафар ишчилар Гурлан тармоғи (30 км.) ва Қиличбой-арна юқори қисми (8 км.) қурилиши жараёнида дарёдан сув оладиган 6 та каналнинг ўзани ва 13 та соқасини қайта қуриш ишларида фидойилик билан меҳнат қилдилар. Натижада 41 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланиши билан бир қаторда 20 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди[33.л.195.].

1940 йил сентябрида Тошсоқа каналининг 2-навбати қурилиши бошланди. Канал қурилиши 16 участкага ажратилган бўлиб, 70 мингдан ортиқ (*Хоразм вилоятдан 50 минг ва Тошҳовуз вилоятдан — 22 минг*) колхозчилар 34 км. Тошсоқа магистрал канали, Полвон–Ғозовот ва Шовот каналлари ўзанларини қазишда қатнашдилар. Уларнинг меҳнатига ёрдам бериш мақсадида 51 та трактор ва экскаватор, 50 дан ортиқ насос ускуналари, 251 та автомашина ва бошқа механизмлар ажратилди[34.-с.54]. Инженер Е.А. Башилов раҳбарлигидаги 2 мингга яқин ишчилар 110 м³/сек. сув ўтказиш имкониятига эга Бош тўғон қурилишини 1941 йил 12 мартда тугалладилар[35].

Уруш арафасида умумхалқ ҳашари усули билан амалга оширилган ишлар натижасида Хоразм вилоятидаги суғориладиган ер майдонлари 49 минг гектарга кенгайди. Арна ва бошқа суғориш шахобчаларга ўтириб қолаётган лойқалар миқдори 400 млн. кубометрга камайди. Суғориш тизимини қайта қуриш эвазига 86 минг гектар экин майдонлари оёқ суви билан таъминланди ҳамда чиғирларни ишлатишга зарурат қолмади[36.-с.53]. Вилоятдаги суғориш тизимини оёқ сувига ўтказиш ишлари биринчи навбатда Тошсоқа–Полвон канали атрофида бошланди.

Собиқ СССР Халқ Комиссарлар Советининг 1940 йил 29 мартдаги “Хоразм воҳасида суғориш тизимлари бошқармаси тўғрисида”ги 713-сонли қарори билан УПРАДИС тугатилиб, унинг ўрнига УПРАДИК (*Управление по эксплуатации дельтовых межреспубликанских каналов*) ташкил этилди[37]. Илгариги УПРАДИС каби марказга бўйсундирилган мазкур ташкилотга ҳам Амударёдан олинадиган сувни Хоразм ва Тошҳовуз вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистоннинг Манғит туманидаги республикалараро

магистрал каналларга бўлиш вазифаси юкланди. Бу даврда бошқармага Тошсоқа, Полвон, Ғозовот, Қиличбой-арна, Қипчоқ–Бўзсув, Суэнли ва Хонобод каналлари қарарди.

1941 йилнинг 30 апрелида Амударё тошқини оқибатида Чалиш посёлкаси ва Урганч шаҳрини сув босиш хавфи пайдо бўлди. Жамоа хўжаликларидан Дарёлик-арнага 788 киши ва 112 арава, Чалиш пристанига 250 киши сафарбар қилинди. Зудлик билан тузилган штаб кўрсатмаси билан пристанга кемаларда келтирилган озиқ-овқат ва бошқа ашёларни хавфсизроқ жойга ташиш ишлари амалга оширилди. Шу билан бир вақтда дарё яқинида 3 қатор дамбалар кўтарилди. Хайриятки, бир ҳафтадан кейин дарё тошқини пасайиб, унинг суви сокин оқа бошлади[38.-с.35.].

Каналларни лойқа чўкмалардан тозалаш ишлари қисман механизмлар ёрдамида амалга оширила бошланди. Жумладан, “Сормовец” русумли янги сув сўргич насослар келтирилди. Шу билан бир қаторда, профессор М.В. Потапов тавсияси билан, Тошсоқа, Қиличбой-арна, Қизкеткан каби магистрал каналлар соқалар яқинида, дарё оқимининг нисбатан тиниқ сувларини каналларга, лойқа қисмини эса ўзанга йўналтирадиган махсус мосламалар (*тетраэдр*) ўрнатилди. Бундай мосламалар йилига 1250 минг м³. лойқани каналлар соқасидаги тиндиргичда ушлаб қолиб, тиниқ сув оқиб ўтишига имкон берарди.

ХУЛОСА

Уруш арафасида Хоразм воҳасида амалга оширилган кенг кўламли сув қурилиши ишлари чиғирларга боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, дарё оқимининг ўзгариб туриши натижасида етарли даражали сув олиш имкониятлари чекланган вазиятлардан қутулиш, тошқинлар вақтида ҳосилдор ерлар билан бир қаторда аҳоли яшайдиган шаҳар-қишлоқлар хавфсизлигини таъминлаш, умуман олганда, инқироз ҳолатига келиб қолган қишлоқ хўжалигини сақлаб қолиш имкониятларини яратди. Бошқа соҳалардаги каби сув қурилиши борасидаги бунёдкорлик ишларига машъум уруш ҳалақит берди. Оғир шароитда мутахассисларнинг аксарият қисми фронтга сафарбар этилиши, қурилиш-таъмирлаш материаллари етишмаслиги гидротехник иншоотларнинг қаровсиз ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлди.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Погорельский И.В. История Хивинской революции Хорезмской Народной Советской Республики 1917-1924 гг. — Ленинград: ЛГУ, 1984. — С. 189.
2. ХорВДА, 601-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 7-варақ.
3. ХорВДА, 601-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 8-варақ.
4. ХорВДА, 601-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 14-варақ.
5. ХорВДА, 601-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 5-варақ.
6. ХорВДА, 601-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 4, 6-варақлар.

7. ХорВДА, 601-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 8-варақ.
8. Михайлов К.А., Пославский В.В. Коренное переустройство питания Южно-Хорезмской ирригационной системы, // Вестник ирригации”, 1927. – № 9. – С. 33-64; Михайлов К.А., Пославский В.В. Ташсака или Туямуюн” // Вестник ирригации”, 1927. – № . – С. 57-71.
9. 1923 йилга оид архив хужжатларида дастлабки зах сувларни оқишиш учун магистрал коллекторни Питнак воҳасидан бошлаб, Туманкўл, Зейкаш, Ялмат-Чакли, Дўнғиз-ўлган, Шўркўл, Кўрпкўл йўналишида куриш режалаштирилган (*ХорВДА, 601-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 7-варақ*).
10. Сатлыков А. История ирригационных и мелиоративных работ в Хорезме (1920–1941 гг.). Автореф. ... дисс. – С. 8; ХорВДА, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 2–10-варақлар.
11. Ирригация Узбекистана. – Т. III. – С. 233.
12. Джаббаров И. Древний Хорезм... – С. 193.
13. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – С. 184.
14. Кондрашов С.К. Вода в орошаемом хозяйстве. Монография. — М., 1922; Кондрашов С.К. Несколько слов к вопросу об использовании источника орошения // Отдельный оттиск из журнала “Туркестанское сельское хозяйство”. — Т., 1922.
15. Тромбачев С.П. К вопросу водообеспечения южного Хорезма // “Вестник ирригации”. — М., 1924. – № 7. – С. 3-13; Тромбачев С.П. Краткий обзор по водному хозяйству Средней Азии за 1923-1924 год // “Вестник ирригации”. — М., 1924. – № 12. – С. 3-39.
16. Янчур М.П. Некоторые результаты изысканий в Южно-Хорезмском оазисе // “Вестник ирригации”. — М., 1924. – № 12. – С. 77-84.
17. Зубрек К. Земледелие и ирригация Хорезма в связи с вопросом экономического объединения среднеазиатских республик // “Новый Восток”. — М., 1923. – Кн. 3.
18. Тромбачев С.П. К вопросу водообеспечения южного Хорезма // “Вестник ирригации”. — М., 1924. – № 7. – С. 6.
19. Янчур М.П. Некоторые результаты изысканий в Южно-Хорезмском оазисе // “Вестник ирригации”. — М., 1924. – № 12. – С. 80.
20. Цинзерлинг В.В. Перспективы орошения и хлопководства в дельте Аму-Дарьи // “Хлопковое дело”. — М, 1924; Цинзерлинг В.В. Орошение в бассейне Амударьи. Основания оросительного хозяйства. — М.: ВСНХ, 1924. – 269 с.
21. Цинзерлинг В.В. Орошение на Амударье. Общие основания оросительного хозяйства. План водного хозяйства. Первоочередные работы. — М.: Изд. УВХ Средней Азии, 1927. – 808 с.

22. Алексеев И. Основные итоги работы САНИИРИ за 25 лет. — Т., 1949; Беглов И.Ф. История развития САНИИРИ и формирование ... // WWW.GAWATER.info.net.
23. Шалкин М.Ф. Ирригационное строительство Хорезма за 1924-25 сельскохозяйственный год // “Вестник ирригации”. — М., 1926. — № 5; Шастал И.Н. Характеристика современного состояния сельского хозяйства на орошаемой территории Южного Хорезма и анализ условий его развития // “Вестник ирригации”. — М., 1926. — № 7; Суровцев В. К вопросу заилевания каналов Хорезма // “Вестник ирригации”. — М., 1928. — № 4; Несмачный Н.К. Возможности развития орошения земель по водным системам левого берега Южного Хорезма // “Вестник ирригации”. — М., 1929. — № 11 и др.
24. Халлыев Х.Х., Духно И.И., Халмуратов Т.Х. Вода возраждает жизнь. — С. 4, 10.
25. Эслатиб ўтиш жоиз бўлса, 1915 йилдаёқ Коломнадаги (Москва яқинида) машинасозлик заводида соатига 30 м³. лойқа тупрокни 3 метр баланликка кўтариб бериш кувватига эга ер сўргич (землесос) ишлаб чиқилганди. Унинг баҳоси — 300 минг сўм турарди ва табиийки харид қилишга кўпчиликнинг кучи етмасди // *Қаранг*: Соседько А.Ф., Батурин С.И. Водохозяйственные проектно-изыскательские работы в Хорезме... — С. 7.
26. Михайлов К.А., Пославский В.В. Таш-Сака или Туямуюн // “Вестник ирригации”. — М., 1927. — № 11; Старцев Т.А. Туямуюн. К проблеме реконструкции нижней Амударьи // В кн.: Среднеазиатский энергетический сборник. — Т. I. — М., 1932. — С. 121-133.
27. Орошения чигирями в низовьях Амударьи // “Народное хозяйство Средней Азии”. — М., 1925. — № 8-9; Громов М., Баранов В. Чигирь — как водоподъемная машина и как привод. — Т., 1931; Ўтамов Ж., Муҳаммадиев Ў. Аср бошидаги синов. — Б. 41.
28. Холимбетов Қ., Эшчанова Ш. Хоразм мироблари шажараси. — 20-бет; Ирригация Узбекистана. — Т. III. — С. 233-234.
29. Сатлыков А. Из истории строительства Ташсакинского канала. — С. 48-49.
30. Хорст Георгий Онисифорович (вафоти 1979, Тошкент) — “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор”, техника фанлари номзоди, Хоразм вилоят СТБ бошлиғи ўринбосари (1937). Тошсоқа канали қурилиши ва унинг Бош иншооти лойиҳасини яратишда қатнашган (1939-40). Вилоятда суғориш ишларини такомиллаштиришга улкан ҳисса қўшган мутахассис. Кейинчалик ТИИИМСХ доценти лав. ишлаган. Ишини ўғли давом эттирган.
31. ХорВДА, 41-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 180-варақ; Сатлыков А. Из истории строительства Ташсакинского канала. — С. 50.
32. Митянов Николай Герасимович (1909, Оренбург ш. — 1964, Урганч) — “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор”, Хоразм вилоят СХБ бошлиғи ўринбосари (1958–64). Ўрта Осиё ирригация ва пахтачилик институтни тугатган (*САХИПИ*, 1933).

Хонқа МТСда катта гидротехник (1933), туман СХБ бошлиғи (1936–38), УПРАДИС инженери (1936–41), Хоразм вилоят СХБ бош инженери (1941–50) ва бошлиғи (1950-58) лавозимларида ишлаган. Тошсоқа (1939–41) ва Қиличчиёзбой (1941–42) каналлари, Дарёлик ва Озерный магистрал коллекторларини куришда катта хизматлари бор. “Хурмат Белгиси ордени билан тақдирланган. Номига Хонқа туманидаги йирик коллектор қўйилган.

33. ХорВДА, 41-жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 195-варақ.

34. Сатлыков А. Из истории строительства Ташсакинского канала. – С. 54.

35. Тошсоқа бош иншооти 1940-1941 йилларда “Узгипроводхоз” лойиҳасига асосан, монолит темир-бетондан ишланган. Иншоот 9 та равоқдан иборат ва уларга ясси силжувчи 4,3х3,7 м. ўлчамли шитлар ўрнатилган. Сув ўтказиш қобилияти 202,5 м³/сек. 1965 йилда иншоотнинг барча тахта шитлари темир шитларга алмаштирилган ва электр двигателлар ёрдамида кўтариладиган қилинган. Иншоот устида 2 м. кенгликда хизмат кўприги мавжуд. Жорий таъмирлаш пайтида равоқни вақтинча беркитиб туриш учун шондор, уларни монтаж қилиш учун балка ва кулфлар билан жиҳозланган.

36. Муҳаммадиев Ў. Ерларнинг мелиорациясини яхшилаш жараёнлари. – Б. 53.

37. Ўтган йиллар давомида мазкур ташкилотларга қуйидаги мутахассислар раҳбарлик қилганлар: Жуков (1926); Л.М. Лезинов (1927-28); Аполлонов (1928), Линдорф (1928-30, 1931-36); Бобожон Отабаев (1931); Жума Аташев (1936-39); Е.А Башилов (1940-41); Кулмуҳамедов (1942); Демин (1942); Овчаренко (1946-48); Млынский (1952-55); Вальдемар Туркс (1955-57); Владимир Лондарев. (1961-64); Хударган Муқошев (1964-87); Олег Лондарев (1987-92); Амин Қаландаров. (1992-2003); Тоҳир Болтаев (2003-2005); Комил Қурбонов (2005-2008); Озод Мадрахимов (2008-2010), Эргаш Юсупов (2010 йилдан ҳозиргача).

38. Холимбетов Қ., Эшчанова Ш. Хоразм мироблари шажараси. – 35 бет.